

БУЮК ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 221 (2254).

6 ноябрь, сешанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

САЛОМ, ОКТЯБРЬ!

Мархабо, шонли байрам, Улуғ Октябрь! Олам-олам олқишлар сенга! Қалбимиз меҳр-муҳаббати, садоқати ҳам, энг яхши истаклар, туйғуларимиз, орау-умидларимиз ҳаммаси сенга! Чунки сен кишининг энг гу орауларини рўйбега чиқардинг, жаҳон тарихида янги даврга асос солидинг! Сеннинг солдатларинг — буюк революциянинг фарзандлари, большевиклар, Ленин раҳнамолари, да оммага бош бўлиб увадаси чиққан чоризмини унинг бутун азоб-уқубатлари, зулм занжирлари, миллий адоватлари ва ҳақсизликлари билан қўшиб жаҳаннам қаърига жўнатди! Хуррият замон бўлди, янгилик, адолат, маърифат, тенглик тантана қилди. Тинчлик, оқойишта ҳаёт бошланди. Инсон эркин нафас олди. Янги ҳаёт йўлига қадам ташланди. Бу йўл — социализм ва коммунизм жамиятининг улуғ йўлбошчилари Маркс ва Ленин кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам кишилик жамияти, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябр, унинг ташкилотчиси Лениндан мангу миннатдордир.

Улуғ Советлар мамлакатни, бутун прогрессив инсоният Октябрнинг шонли 45 йиллигини зўр тантана билан байрам қилмоқда. Коммунизм ўлкаси — Советлар мамлакатини байрам либосида! Улуғ Октябр гоёларининг аjoyиб самараларини кўриш кишини нақадар шод ва хурсанд қилади! Ахир биз 45 йил ичида қоронғуликдан ёруғликка, қашшоқликдан фаровонликка, қолоқликдан илғорликка, саводсизликдан маърифатга томон улкан қадам ташладик. Жаҳоннинг энг қолоқ мамлакатини чор Россияси Улуғ Октябр тўғрисида эндиликда дунёда энг қудратли социалистик давлатга айланди. Биз инсониятга биринчи бўлиб озодлик, эркин тараққиёт йўлини очиб бердик. Биринчи бўлиб ҳали кишилик тарихи кўрмаган суръат билан, сингалмаган йўллардан дадил олган бордик. Социализмнинг узил-кесил ғалабасига эришдик. Эндиликда улуғ Советлар Иттифоқи биринчи бўлиб коммунизм қурилиши йўлидан бормоқда. Қаҳрамон халқимизнинг аjoyиб фарзандлари биринчи бўлиб фазо сирларини очмоқ учун сайёраларга йўл олди. Ахир бу Улуғ Октябр гоёларининг ҳаётий кучини кўрсатувчи эркин дадил эмасми!

Шарқда коммунизмнинг нурафшон машъали — Совет Ўзбекистони — Улуғ Октябрнинг аjoyиб меъасидир. Илгари чор

Россиянинг эзилган, хўрланган ва бутунлай унутилган мустамлакаси бўлган Ўзбекистон ўзининг қудратли саноатига, қишлоқ хўжалигига, улкан маданиятига эга. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда етмишдан кўп саноат тармоғи бор. Республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 20 баравар, нефть чиқариши 131 баравар, электр энергияси ишлаб чиқариш 1800 баравардан зиёд кўпайди.

Революциядан илгари бир неча кустарь ва ярим кустарь корхоналари бўлган Ўзбекистон эндиликда ўз саноат маҳсулотини билан жаҳон бозорига чиқди. Ўзбекистон саноат маҳсулотини 50 дан ортиқ мамлакатга етказиб беришмоқда. Ўзбекистонда гоё буюк маданий революция амалга оширилди. Ўзбекистон ёпасига саводхон республикага айланди. Республикада 30 та олий ўқув юрти, юздан ортиқ техникум бор. Олий ва ўрта таълимни, фан ва маданиятни ривожлантириш жиҳатидан Совет Ўзбекистони Шарқдаги кўшми мамлакатларинингна эмас, балки Ғарбдаги тараққий этган капиталистик давлатларни ҳам оряда қолдириди. Пойтахтимиз Тошкент бўлса йирин саноат, маъмурий ва маданий марказдир.

Улуғ Октябр гоёлари тантанали кўрсатилган Улуғ Ватанимизда миллиларни хўрловчи, қудрат қилувчи, камситувчи капитализмнинг машъум қонуниларини йўқ! Бизнинг совет жамиятимиз бошқача қонулар асосида яшамоқда. Бида одам одамга дўст, ўртоқ ва қардошдир. Барча совет халқлари тенгдирлар. Биз халқлар дўстлигини, социалистик миллатларнинг қардошларча ҳамкорлигини Улуғ Октябр тўғрисида бунёдга келган энг қадрли нарсаси деб билиб тобора мустақамлаш берамиз. Коммунизм идеологияси — халқлар дўстлиги, қардошларча ҳамкорлиги идеологиясидир. Коммунистик партиямиз XXII съезди қабул қилган коммунизм қуриш Программасида социалистик миллатларнинг бундан кейинги янада равиқ топиши, ривожланиши истиқболлари янада равшан белгиланган.

Ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш, ана шу озод меҳнатимиз роҳатидан баҳраманд бўлиш бизнинг муқаддас ҳуқуқимиздир. Бунга бизга Улуғ Октябр революцияси берди. Меҳнат совет кишиларига шон-шараф, қаҳрамонлик келтиради. Ҳалол ва фидокорона меҳнати билан бутун мамлакатга донг таратган шонли меҳнат

қаҳрамонлари Ҳафиз Ғаниев ва Саид Нуриддиновларни, Турсунной Охунова ва Саодат Гулаҳмедовани, Валентин Топко ва Яналов Кўчмевларни, Роза Отабодов ва Любовь Лиларини ва юзлаб меҳнат фронтининг донгдор кишиларини ким танимайди дейсиз! Ҳа, чиндан ҳам Улуғ Советлар мамлакатини меҳнат шўҳрати ва шон келтиради.

Капитализмда бўлса меҳнат азоб-уқубат, кун кўриш воситасидир. Эксплуатация, бировлар меҳнати ҳисобига боийш, меҳнат аҳлини талаш капитализмнинг машъум қонунидир. Ишсизлик, очлик, қашшоқлик — капитализмнинг умрбод йўлдошларидир.

Капитализм — ўлимга маҳкум этилгандир. Унинг ҳукми — бундан 45 йил илгари «Авро-ра»нинг мағрур бонги жаҳон тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг тантанали даври бошланганлигидан хабар берган вақтда эълон қилинган. Шундан бери ўтган қисқа давр ичиде Совет мамлакатини билан бирга Европа, Осиёда социализм йўлига — янги ҳаёт йўлига тушиб олган янги социалистик мамлакатлар вуқудга келди. Имперализмнинг мустамлака системаси чок-чокидан сўкилмоқда, янги дунё — озод социалистик мамлакатлар дунёси бунёдга келмоқда. Булар Улуғ Октябр гоёларининг эркин ифодасидир.

Салом эй Октябрь, салом инқилоб! Қирғибеш йиллик тўйинг муборак! Сен сочган озодлик ёғдуларидан, бутун жаҳон меҳнат аҳли мангу баҳраманд Сен очан йўл озодлик йўли, бу йўлдан қардошлар, дўстлар диёри — Советлар Ватани борди олган! Бу йўлдан Европа, Осиёдаги янги, социалистик мамлакатлар боради дадил! Озодлик ороли — қаҳрамон Куба ларзага солади бутун жаҳонни!

Биз олган борамиз, коммунизмга! Ўлимизда йўлчи йўл, дузимиз — Улуғ Октябр гоёлари, марксизм-ленинизм голиб таълимоти, коммунизм қуриш Программаси бор! Бошлайбер бизни улуғ Коммунистик партия коммунизмининг, янги-янги ғалабалари сари!

Давлатга 729,5 тонна гўшт сотилди

Гулистон районининг меҳнатсевар чорвадорлари Улуғ Октябрнинг шонли 45 йиллик кунини ёруғ юз билан кутиб олмақдалар. Улар байрам арафасида давлатга гўшт сотиш йилини плавини муддатидан илгари ортинг билан адо этганликларини ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Ватанга 729,5 тонна гўшт етказиб берилди.

Бу катта ютуқни қўлга киритишда райондаги «Москва», «XXII партезед», «Октябрь» ва Мичурин номи колхозларининг чорвадорлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжалиқларда гўшт сотиш плавини аниқ ортинг билан бақарилади. Шунингдек район чорвадорлари давлатга туҳум ва жун сотиш плавларини ҳам ошириб бақаришга муяссар бўлдилар. Мажмууд имониятларини ҳисоблаб қишлоқ район бўйича давлатга плавдан ташқари яна 400 центнер гўшт сотишга қатъий қарор қилинди.

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИРИЛИШЛАР

Тошкент корхоналари, қурилишлари, муассасалари ва ўқув юртиларида Улуғ Октябр социалистик революциясининг 45 йиллигига бағишланган тантанали йирилишлар ўтказилмоқда. Йирилишларнинг қатнашчилари совет халқининг жонон Коммунистик партия раҳбарлигиде эришган оламшумул тарихий ғалабаларини тўғрисида, КПСС XXII съездининг белгилаб берган буюк режаларининг муваффақиятли амалга оширилишига тўғрисида фахр билан гапирмоқдалар.

Тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, трактор йиғув экватор ва электромашини заводидаги ҳамда шаҳардаги бошқа корхоналар коллективларида йирилишлар гоёт билади руҳ билан ўтди. Йирилишларда КПСС Марказий Комитетининг Президумининг аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. МУСАМУҲАМедовга СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИНИ БЕРИШ Тўғрисида

Узумчилиқни ривожлантиришдаги катта хизматлари, тоқзорларни парвариш қилишининг прогрессив усулларини ишлаб чиққанлиги ҳамда колхоз ва совхозларда тоқчилар тайёрлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг узумчилиқ бўйича старший консультанти ўртоқ Ризамат Мусамуҳамедовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва болга» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1962 йил 5 ноябрь.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Л. ЛИГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИНИ БЕРИШ Тўғрисида

Маккажўхори кўк пояси ва донидан мўл ҳосил олишдаги жуда катта хизматлари, фан ютуқларини ва илғор ишларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилганлиги ҳамда маккажўхориқор кадрлар тайёрлаганлиги учун Тошкент облась, Юқори Чирчиқ районининг «Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Любовь Лига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва болга» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1962 йил 5 ноябрь.



А. Холиқов чизган расм.

У Ч С О В Ё А

Гафур ГУЛОМ.

Чегарасиз фазонинг муаммо бўшлиғидан Ракета учиб борар бир тутам нур сингари. Офтоб теграсида Ерининг юришидидан Минг баробар илдамроқ, минг баробар илғари. Советлар деган юртининг тенгдошсиз илму-фани Зеҳи машинасини Марсга томон учирди. Чинакам ақду-идрок овоз, ижод Ватани. «Кўк худо мулки» деган ақидани учирди.

Коммунистик меҳнат бу — демак кўш аралаш, Улуғ байрам шонига халқимиздан пешкаш.

Жаҳонда тинчлик ишини шайқатли ласбони Катта-кичик халқларнинг чин сўзи буюк дўсти, Еруғликка интилан маздумлар меҳрибони, Инсонлик ҳуқуқини ҳомийси, сўз дурети, Тунанмас шарафларга сазовор Улуғ Ватан Бизнинг совет Ватани оламда ягонадир.

Энди империалистик босқинчилар берар тан, Капиталга гўр қазаган қудратли замонадир.

Кубада яққол бўлди советлар сийсати, Доно дипломатлиқининг бизга хос маҳорати.

Кишиликка муносиб барча хислат сенда бор, Олимсан, колхозчисан, ишчисан ватандошим. Коммунизм асосини қўлетган бинокор Сенга савдошман, демак, юксакдир азиз бошим. Иттифоқдош, қардош халқ куймалашиб ётибди. Бирин бугдой ташир, бири нефть, бири кўмир. Пахтакор ўзабкларининг толен тоғи отиби, Ҳамини юзи ёруғ, узайсини голиб умр.

Байрамимиз файиога жумлан жаҳон тўлсин, Ленин партиясига отанин салом бўлсин!

4 ноябрь, 1962 йил.

РОССИЯ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Ватанимиз РСФСР колхоз ва совхозларидан 2 миллиард 212 миллион пуд дон олди. Бу ўтган йилдагига қараганда 347 миллион пуд энг юқори ҳосил олинган 1958 йилдагига нисбатан 276 миллион пуд кўпдир. Энг муҳим озинг-овнат экинни — бугдойнинг ўзидан давлатга 1 миллиард 385 миллион пуд сотилди. Дон-дўк-качки экинларини тайёрлаш плавини аниқ ошириб бақарилади.

Умумхалқ байрами — Улуғ Октябрнинг 45 йиллиги арафасида КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ва РСФСР Министрлар Совети республика ғаллакорлари партия XXII съездин тарихий қарорларини амалга ошириб, давлатга дон сотиш плавини муддатидан олдин бақарганликларини партия Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, Никита Сергеевич Хрушчевга маълум қилдилар. Колхоз ва совхозлар уруғлиқни тўда жамагариб бўлдилар, меҳнат кунлари учун зарур миқдорда ғалла бермоқдалар, чорвачилик эҳтижлари учун еи-хашак фондалари жамагармоқдалар.

Бу йил республика далаларида йиринк ўзгартишлар юз берди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари деҳ-

қончилиқнинг ўт-далали система-сидан воз кечиб, экин майдонлари структурасини қайта кўриб чиқиб, дон экинлари ва маккажўхори, нўхат, хашаки дўккачки экинлари каби қимматли экинлар майдонларини аниқ кеиғайтирдилар. Ўтган йилдагига қараганда дон экинлари майдонини қарийб 7 миллион гектар кўпайди, маккажўхори экинлари 14 миллион гектардан 21 миллион гектарга етди.

Чорвадорлар гўшт, сўт ва бошқа маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш плавини бақариш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Колхоз ва совхозлар келгуси йил ҳосили учун замин яратиб, кузги экинлар экинчи аниқ кеиғайтирдилар, кўп майдонини шудгор қилиб қўйдилар.

Россия Федерацияси колхозчилари ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетини, СССР Министрлар Советини, Никита Сергеевич Хрушчевни ишонтириб айтидиларки, улар бундан кейин ҳам КПСС Программасини амалга ошириш, инсониятнинг эзгу ораси — коммунизм қуриш учун тинмай курашадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

4 ноябрда КПСС Марказий Комитетига Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин ўртоқлар В. Гомулка билан учрашдилар.

Учрашув вақтида ҳар иккала томонни қизиқтиратган ақтуал масалалар юзасидан кеиғ фикр олашдилар.

Учрашув самийий дўстлик ва

очиқ кўнгилликлик вазиютида, муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан қарашларининг таъмомиле бирлиги руҳида ўтди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка 4 ноябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.



УЛУГ ОКТЯБРЬ ГОЯДАРИ

Оржоникидзе райони пахта тайёрлаш давлат планини бажарди

«Коммунизм» колхозининг 4-бригадаси аъзолари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтани териб ва уни давлатга топшириш суръатини сира сусайтирмайди. Бригадада кўсак чувиш машиналари доимо тинимсиз ишлаб турибди. Суратда: кўсак чувиш машинасидадан чиққан тоза пахта қоп-қанорас ташийдиган принсипга юлданмоқда.



КОЛХОЗ ТУЗУМИНИНГ ИФТИХОРИ

Н. С. ХРУЩЕВнинг Калиновка қишлоғи меҳнаткашларига ёзган мактуби

Курск область, Хомутовка районидagi Калиновка қишлоғининг меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрущевга хат ёздилар. Улар бу хатда колхоздаги ишлар ҳақида хабар қилиб, ўз фикрлари ва режалари билан ўртоқлашдилар. Нисита Сергеевич калиновкаликларга жавоб юборди.

Сиз, ҳамқишлоқларимизнинг, деб ёзди Н. С. Хрущев, яхши тилаклар билан юборган хатингизни олиб ва қишлоқ хўжалик йилининг якулини тўғрисидаги хат хабарларини эшитиб, мен жуда хурсанд бўлдим...

Калиновкаликлар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрущевга юборган хатларида шу йилнинг натижалари тўғрисида хабар бердилар.

Бу йил биз даладорларингизни, галлазорларингизни ва фермаларингизни кўрган эдик. Сиз қилган ишлар— колхоз тузумининг ифтихори бўлиб, айни вақтда социалистик қишлоқ хўжалик иқомнатларини яққол кўрсатиб турибди.

Колхоз бarchа қишлоқ хўжалик экинларидан яхши ҳосил етиштирди. Кузги доил экинларининг ўртача ҳосили гектарига 24,1 центнерни ташкил этди, баъзи далада эса бугдойнинг ҳосилдорлиги гектарига 31—35 центнерга етди. Колхозчилар гектар бошига 23,6 центнердан нўхат олдилар. 207 гектар майдоннинг ҳар гектары 23,7 центнердан дуқкал экинлар дони олдиди.

Калиновка қишлоғининг колхозчилари Н. С. Хрущевга ўзларининг келажакда мўлжалланган планларини маълум қилдилар. Нисита Сергеевич меҳмонга қарайдилар ва унга сикат-саломатлик, севиқли Ватанининг бахт-саодати йўлида узоқ умр тилайдилар. (ТАСС).

БАЙРАМГА ТУҲФАМИЗ

Эртага ҳаётимизнинг энг сермамуни, энг қувончли кун — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги кунидир. Шу кун беопен Ватанимизнинг ҳамма ерида, тинчликсевар халқлар яшайтган ҳамма мамлакатларда катта тантана ҳўкм суради.

Қ. МАҲҚАМОВА, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари.

нормал ва бақувват бўлиб ўсишига имкон берди. Ўзгани 3—4 марта сугордик. Лекин жуда қондириб сугордик. Мириншор пахтакорлар сув тақислигини мардонвор енгдилар. Пахта пайкалларида яғат ташлаб сугорини талбири изчилли билан амалга оширилди. Қатор ораларини икки томонлама культивация қилишда ҳам ишининг сифати бўлишига, ҳам бор қўчатнинг тўла сақланиб қоллишига жиддий эътибор билан қаралди.

Улуғ байрам арафасига келиб, районимизнинг беопен «оқ олтин» пайкалларидан Ватан оғборларига 18 минг 833 тонна аъло сифатли пахта етказиб берилди. Давлатга топширган ҳосилнинг 94 проценти биринчи сортга қабул қилинди. 95 процент пахтамиз эса қоп-қанорас ташилди.

Пахта йилгим-теримида азамат меҳаник-ҳайдовчилардан Абдусаттор Абдукаримов, Шамси Тўлағов, Рихси Қаймова сингари кўплаб ўртоқлар ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар. Қўл теримида кўпингкилограмм чилар ҳаранати кенг қўлоч ёйди. Ҳўбнига қадар 300 га яқин теримчи эл хирмонига 5—6 тонна ва уланд ошириб «оқ олтин» тўқиди. Охунбобоев номли колхознинг чевар теримчиси ўртоқ Муҳаббат Усмонова хирмонга 16 минг килограмм «оқ олтин» тўқиб райоида ҳамманинг ҳўрматига сазовор бўлмоқда. Унинг ҳамқишлоғи Маҳсуда Мўминова эса ҳозиргача 14 тоннага яқин пахта терди. Бундай қувончли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Районимиз меҳнаткашлари пахтачилик билан бир қаторда қўнчиликнинг бошқа соҳалари ва чорвачиликда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳўзирга қадар давлатга 13952 центнер гўшт, 46 минг центнерга яқин сут, 750 минг дона туҳум, 4300 тонна картошка, 19 минг тонна сабазвот, 3665 тонна узум сотиб, бу соҳалардаги давлат топшириқларини ҳам шараф билан бажардик.

Шуни кувончлик, бу колхозда 1700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ортқ ҳосил кўтарилиди. Шу кунларда колхоз аъзолари давлатга пландан ташқари 1272 тонна пахта топшириш учун астойдил курашмоқдалар.

Ғўза парвариши даврида олдимида экинни юқори агротехника қондалари асосида серҳосил қилиб ўстиришдек муҳим вазиға турарди. Деҳқонларимиз бу вазиғани шараф билан бажараолдилар. Бу йил айниқса ғўзани эрта озилантиришга алоҳида эътибор билан қаридик. Бу тадбир экиннинг баҳор ойларида бошлаб

Хали даладоримизда ҳосил кўп. Деҳқонларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга пландан ташқари яна 3000 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, районимиз меҳнаткашлари бу аҳдларининг устидан чиқадилар.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 2-БЕТ, 6 НОЯБРЬ, 1962 ИИЛ.

Суратларда: (чапдан) Охунбобоев номли колхозининг 16 тонна пахта терган чевари Муҳаббат Усмонова, шу колхозининг 40 цент нерчи бригадаси бошлиғи Ҳақима Мирзаалиева, «Коммунизм» колхозининг пешқадам гиримчиси Масгута Азимбердиева, Киров номли колхозининг бригадари Тўрабег Чупонов ва «Қизил Узбекистон» колхозининг меҳаник-ҳайдовчиси Рихси Қаймова ўртоқлари.

МЕНИНГ ҲИССАМ

Масгута АЗИМБЕРДИЕВА, «Коммунизм» колхозининг чевар теримчиси.

Мавсум бошланмасдан бурун «бу йил эл хирмонига 10 минг килограмм пахта териб тўқаман» деб эл-юрт олдига қатъий сўз берган эдим. Бу сўзларим фақат сўзгича қолиб кетмаслиги, аксинча амалга кўниши учун энг шимариб, қалбим ҳароратини қўшиб «оқ олтин» тера бошладим. Ҳар кун хирмонга 200 килограммдан ошириб пахта тўқиб турдим. Самарати меҳнатнинг меъаси доимо лавиз бўлади, деганлари ҳақ экан. Менинг самарати меҳнатим ҳам лавиз мева берди. Улуғ Октябрь байрами тантаналарига ўн беш кун қолганда эл-юрт олдига берган сўзимнинг устидан чиқдим— хирмонга 10 минг килограмм «оқ олтин» тўқдим. Делни бу билан ишни йиғиштириб қўямдим. Теримни қизинг давом эттирдим. Ҳозиргача терган пахта 11 минг килограммдан ортиб қолди.

МАҚСАДИМИЗ 45 ЦЕНТНЕР

Тўхта АБДУЛЛАЕВА, Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Биз 82 гектар пахтазорга эгамиз. Шу майдонларимизда илк баҳор палласида бошланган меҳнат ҳарорати ҳали ҳам лавом эътайпти. Деҳқонларимиз пешона тери тўқиб бунёдга келтирган «оқ олтин» дурдоналари шу қадар мўл шу қадар баракли бўлдики, асти қўяверасиз. Пахтамиз қийос очилган кезларда бригадамиз аъзолари йилнинг терим ишларига ҳар қачон-қандайдан ҳам зўр тайрат билан киришиб қўшилдилар.

Кўнлар кетидан кўнлар ўтаборди. Пахта тайёрлашининг биринчи тўғрисидаги маълумотнинг рақамлари йилгича рақамлар лавонда ҳар кун йиллик планининг 4—5 проценти муқдорда «оқ олтин» тайёрладик. Суръатини ана шундай жадаллаштириб ортирдик.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ БИР ГРУППА СПОРТЧИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУҚОФОТЛАШ ТўҒРИСИДА

- Спортдаги юксак маҳоратлари ҳамда халқро ва Бутунитифоқ мусобақаларида эришган муваффақиятлари учун кўйилганлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан муқофотлансин:
- 1. Абдуқодиров Абдуҳамид Вакилович — СССР спорт мастери, СССР биринчилиги учун мусобақалар призери
- 2. Аблаев Рифат — СССР спорт мастери, кураш бўйича СССР чемпиони
- 3. Акулов Михаил Петрович — СССР спорт мастери, отиш бўйича СССР ва жаҳон чемпиони
- 4. Бабанина Светлана Викторовна — СССР спорт мастери, сузиш бўйича СССР чемпиони ва рекордчиси
- 5. Бикова Галина Федоровна — СССР спорт мастери, енгил атлетика бўйича СССР биринчилиги учун мусобақалар призери
- 6. Егоров Владимир Александрович — СССР спорт мастери, кураш бўйича СССР биринчилиги учун мусобақалар призери
- 7. Исмоилов Мамажон — СССР спорт мастери, от спорт бўйича СССР биринчилиги учун мусобақалар призери
- 8. Лебедина Валентина Александровна — СССР спорт мастери, енгил атлетика бўйича СССР чемпиони
- 9. Мамадалиев Юсуфжон — от спорт бўйича қишлоқ ёшлари ўртасида СССР чемпиони
- 10. Мухитдинов Мамажон — СССР спорт мастери, шахмат бўйича қишлоқ ёшлари ўртасида СССР чемпиони
- 11. Поляков Борис Михайлович — СССР спорт мастери, эшакчилик бўйича студентлар орасида СССР чемпиони
- 12. Расческин Юрий Степанович — СССР спорт мастери, оғир атлетика бўйича СССР биринчилиги учун мусобақалар призери
- 13. Салимова Ровила Нажиповна — СССР спорт мастери, баскетбол бўйича Европа чемпиони
- 14. Устинова Наталья Андреевна — СССР спорт мастери, сузиш бўйича СССР ва Европа биринчилиги учун мусобақалар призери
- 15. Шарипов Сокин — оғир атлетика бўйича ёшлар орасида жаҳон рекордчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САҲИБОВЕВ**.

1962 йил 5 ноябрь. Тошкент шаҳри.

НОРИН ВА ҚОРАДАРЁ КўПРИКЛАРИ ТАЙЁР

АНДИЖОН, 5 ноябрь. (ЎзТАГ). СССР Транспорти қурилиш министрининг кўприк поездалари коллективлари Норин ва Қорадарё кўприкларини белгиланган муддатдан бир неча ой илгари кўриб қўйдилар.

Анджон областининг колхозлари пайчилик асосида қурган янги кўприклар Анджондан Намангангача бўлган йўлни деярли ярмига қисқартирди ва Марказий Фарғонанинг ўзлаштириладган ерларига қисқа йўл очиб берди. Кўприкларнинг ишга туширилиши муносабати билан, яхшиба кунни Қорадарё бўйида қурувчиларнинг ва пахтакорларнинг қўл кишилик митинги бўлди. Митингда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аълолига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Митингда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиови, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қўрбонов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. М. Муҳаммадов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг урибосари И. В. Марцинок, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартиновлар қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН ХИМИЯСИ

ФАРҒОНА, 5 ноябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистоннинг улкан химиясига яна иккита йирик корхона қўшилди. 4 ноябрда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбат қисмлари ишга туширилди.

«Хосил фабрикасининг байрамларидек беатилган территориясида қурувчилар, монтажчилар, корхона ходимларининг, Фарғона водисидан шаҳар ва қишлоқ вақилларининг кўп миғ кишилик тантанали митинги бўлди. Митингнинг Фарғона области партия комитетининг биринчи секретари Г. А. Габриельянц очди. Митингда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аълолига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Митингда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қўрбонов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. М. Муҳаммадов, республика Министрлар Совети Раисининг урибосари И. В. Марцинок, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартиновлар қатнашдилар.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхоз аъзолари Улуғ Октябрь байрами шарафига социалистик мусобақани қўчайтириб катта галабани қўлга киритдилар. Колхозда давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият бажарилди. Пландан ташқари давлат қабул пунктларида 425 тонна пахта жўнатилади. 720 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан эки ўтган йилдаги қараганда 5 центнердан кўп ҳосил йиғиб олинди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, мажбуриятдан ташқари яна 100 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар.

